

**Самарқанд вилояти Оқдарё тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли  
“Янгиқўрғон” ҚВП биноси негизида давлат-хусусий шериклик асосида  
тиббиёт марказини ташкил этиш лойиҳаси юзасидан бошқа  
талабгорларга мазкур лойиҳанинг амалга оширилишидан  
манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш таклифи**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “DC LAZIZBEK” МЧЖ томонидан ташаббус қилинган Самарқанд вилояти Оқдарё тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли “Янгиқўрғон” ҚВП биноси негизида давлат-хусусий шериклик асосида тиббиёт марказини ташкил этиш лойиҳаси (кейинги ўринларда - Лойиҳа)ни амалга оширишни режалаштирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги барча манфаатдор томонларни Лойиҳанинг амалга оширилишидан манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш таклифи тақдим этишларини сўрайди. Хусусий шерик мамлакатдаги ўсиб бораётган бозордан манфаат кўради ҳамда мамлакатда амалга ошириладиган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларидан бирида иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Лойиҳа юзасидан хусусий шерикни танлаш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-4290-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори талабларига биноан амалга оширилади.

Компаниялар Лойиҳанинг амалга оширилишидан манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш таклифини тақдим этишлари сўралади. Лойиҳанинг амалга оширилишидан манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш таклифи иловадаги жадвални тўлдирилган ҳолда **2021 йилнинг 7 октябрга қадар** қуйидаги электрон почта манзилига юборилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

Электрон почта манзили: [info@ssv.uz](mailto:info@ssv.uz)

Телефон рақами: (71) 239-46-43

**Қуйидаги ариза тўлдирилиши ва Лойиҳанинг амалга оширилишидан манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш таклифи билан бирга тақдим этилиши керак:**

### **Ариза**

Мен менинг директорим, ходим ва маслаҳатчиларим ёки бошқа маслаҳат берувчилар томонидан Тендернинг ёки Тендер комиссияси аъзоларининг холислигига нисбатан ишончсизлигига олиб келадиган, яъни давлат шериги шу жумладан Тендер комиссияси аъзолари билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини тасдиқлайман.

Талабгорнинг Ф.И.Ш

имзо

Лавозими

муҳр